O'ZBEKISTON

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 15 январь, чоршанба • №5 (11.496) • Эркин нархда сотилади

Қарор ва ижро

## КАТТА СПОРТГА ЙЎЛ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

*Республика Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалда ижро этишга вилоятимизда изчил киришилди.*

*Бу ўринда вилоят хокими бошчилигидаги махсус гуруҳнинг бевосита шаҳар ва туманлардаги аҳволни чуқур ўрганиб, таҳлил этиб, ҳар бир ҳудудда бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини бераётганлиги алоҳида ўрин тутмоқда. Айни кунларда шулар асосида мукаммал лойиҳалар устида ишлар бошлаб юборилганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Албатта, бу катта ишнинг бошланиши. Олдинда янада улкан вазифалар турибди.*

*Шу муносабат билан мухбиримиз вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиевдан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.*

**— Абдукарим Мирсаидович, суҳбатимизни вилоятимиз спортининг республикада тутган ўрни, нуфузи ва вакилларимизнинг Ўзбекистон спортини жаҳон миқёсига кўтаришга қўшаётган ҳиссасидан бошласак. Зеро, катта спортга йўл болаликдан бошланади. Назаримизда бу бир-бири билан узвий боғлиқ масала.**

— Жуда тўғри таъкид. Бунга жавобан вилоятимизнинг мамлакат спортидаги мавқеини аниқлаш учун узоққа бормай, фақат 2002 йил якунларига назар ташлаш кифоя. Ўтган йилда вакилларимиз Ўзбекистон терма жамоаси сафида ўттиздан зиёд йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимизнинг умумий жамғармасига 18та олтин, 13 та кумуш ва 30 та бронза медалларини қўшдилар. Шунингдек, спортчиларимиз республика миқёсидаги 36 та мусобақада вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 65 та олтин, 61 та кумуш ва 75 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Бундан ташқари бир йилда 7 нафар халқаро тоифадаги ва 32 нафар спорт устаси, 207 нафар спорт усталигига номзод тайёрланди. Ўтган мавсумда бошқа бирорта вилоят бу даражада юксак натижага эришмаганини назарга олсак, вилоятимиз спортининг бугунги мавқеи хусусида қўшимча изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу чемпионларнинг деярли ҳаммаси вилоятимиз фарзандлари. Кўз олдимизда ўсиб-униб вояга етишган.

**— Мустаҳкам спорт базасига эга бўлмай туриб, бундай ютуқларга эришиш қийин. Демак, вилоятда спорт иншоотлари етарли дейиш мумкин экан-да?**

— Мен бу саволга бошқачароқ ёндошишни истар эдим. Чунки, бизда ҳақиқатан ҳам спорт иншоотлари кўп. Жумладан, 38 та ўйингоҳ, 553 та спорт зали, 15 та сув спорти ҳавзаси, 10 та мерганлик тири, 14 та теннис корти, 2 та от спорти мажмуаси, 600 та футбол, 652 та баскетбол, 1003 та волейбол, 418 та қўл тўпи, 398 та минифутбол, 35 та енгил атлетика майдонлари бор. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд спорт иншоотларида бир кунда бирйўла 135 мингдан зиёд киши машғулотларда қатнашиши мумкин. Лекин, сўзимнинг бошида айтганимдек, гап спорт иншоотларининг сонида ҳам, машғулотда қатнашаётганларнинг оз ёки

***(Давоми 2-бетда).***



*Қора белбоғ муборак дўстим.*

## Мамлакат хабарлари

• Кеча мамлакатимизда умумхалқ байрами - Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн бир йиллиги кенг нишонланди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

***• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 январдаги Фармонига биноан «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.***

• Спортчиларимиз 2003 йилдаги дастлабки мусобақаларни кўтаринки руҳда бошладилар.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, янги йилнинг илк медали юртимиз дзюдочиларига насиб этди. Японияда ўтказилган "А" тоифали халқаро турнирда 73 килограмм вазн тоифасида бел олишган Эгамназар Акбаров бронза медалига сазовор бўлди.

Катта мураббий Армен Багдасаров шогирдларидан Санжар Зокиров ҳам ўз вазн тоифасида кучли бешликдан жой олди.

## МУБОРАК ҲАЖ САФАРИ ОЛДИДАН

*Яқинда бир гуруҳ ватандошларимиз ислом дини фарзларидан бири - муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш учун Саудия Арабистонига йўл олади.*



Шу боис бўлғуси ҳожиларнинг ҳаж амалларини адо этишида қулайлик ва зарур шарт-шароит яратиб беришга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги махсус қарори бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида Тошкент шаҳри ва вилоятидан ҳаж зиёратига жўнаб кетадиган ҳамюртларимиз билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва тегишли ташкилотлар вакилларининг учрашувида бўлажак сафарга ҳозирлик билан боғлиқ ишлар муҳокама этилди.

Учрашувда Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги каби мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари томонидан мамлакатимизда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳукумат қарорини ижро этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, зиёратга жўнатиш тартиб-қоидалари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

***ЎзА мухбири.***

## ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ

### яна бир жамоат ташкилоти иш бошлади

*Шу йил 11 январь куни Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни вилоят ҳокими ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.*

Маълумки, мамлакатимизда истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва қатор меъёрий ҳужжатлар ана шунга хизмат қилмоқда. 2002 йилнинг 28 ноябрида бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ундан кўзда тутилган асосий мақсад ички истеъмол бозорида сифати паст, инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни янада фаоллаштиришдир. Республикамизда ушбу ишларни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш мақсадида, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Айни вақтда вилоят шаҳар, туманларида уларнинг ҳудудий жамиятларини тузиш тавсия этилди.

Ана шунга мувофиқ вилоятда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ишлари самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу олиб борилган тадбирлар натижасида вилоят бўйича 846 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинида, 66 та уй-жой мулкдорлари ширкатларида, 16 та бозор ва ярмаркаларда, истеъмолчилар

***(Давоми 2-бетда).***

## ЎЗБЕК НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ ЕВРОПА БОЗОРИГА

Шу йилнинг 17-26 январь кунлари Берлинда ўтказиладиган «Яшил ҳафта-2003» қишлоқ хўжалик маҳсулотлари халқаро кўргазмаси Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек мамлакатимиз маҳсулотларини Европа бозорларига чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш имконини беради.

Миллий кўргазма Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси, «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик компанияси, «Озиқовқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари томонидан тайёрланади. Стендлардаги ахборот-маълумотлар инглиз ва немис тилларида бўлади. Кўргазмадан жаҳон бозорларида харидоргир бўлган аъло навли Ўзбекистонимиз ноёб ноз-неъматлари ўрин олади.

***«Туркистон-пресс».***

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўн кунлик семинар-мунозараси бошланди.*

## АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, соҳага тегишли қонунлар, ҳукумат қарорларини чуқурроқ ўрганиш, эришилаётган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва йўл қўйилаётган камчиликларни биргаликда муҳокама қилиш ҳамда келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков очди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, қишлоқда туб ўзгаришлар юз беришига эришиляпти. Ҳосилдорлик ўсиб, деҳқонда ерга, мулкка, етиштирган маҳсулотига эгалик ҳисси ортмоқда. Хўжалик юритишнинг мақбул усул ва иқтисодий механизмлари қатъият билан жорий этилаётир.

Аграр соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бу йил мамлакатимиз тарихида энг кўп - беш ярим миллион тоннага яқин ғалла етиштирилди. Дастлабки натижаларга кўра, хўжаликларнинг 75 фоизи қарийб 45 миллиард сўм фойда олиши, пайчиларга эса 7,8 миллиард сўм дивиденд берилиши кутилмоқда. Бу - олдинги йилга нисбатан икки баробар кўп демакдир.

Пахтачиликда юзага келган ўзига хос муаммоларга қарамай, юқори сифатли "оқ олтин" хирмони уюшга эришилди. 3 миллион 159 минг тонна пахта тайёрланди.

Семинарнинг биринчи кунида мамлакатимизда икки палатали парламент тизими жорий этилишининг аҳамияти, иқтисодиётни замон талабларига мослаштириш, жамиятни маънавий юксалтириш, барча соҳаларни эркинлаштириш, ҳозирги босқичда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ҳамда хавфсизликни таъминлашни мустаҳкамлаш билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В.Голышев, З.Ҳусниддинов, Бош вазир ўринбосари Э.Ғаниев ва бошқалар маъруза қилди.

***Олим НОРБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

## ОЙЛИК ЯКУНЛАНДИ, ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

*Шаҳар ва туманларда оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасидаги тадбирлар якунланди.*

Ўтган муддат давомида жойларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига оид қатор маънавий-маърифий тадбирлар, спортнинг техник турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Ўқувчилар ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарлар ҳаёти билан танишишди.

300 дан зиёд корхона ва хўжаликларда «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Мустаҳкам тинчлик ва барқарор хавфсизлик — осойишта ҳаёт гарови», «Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар шайлигини кучайтириш замон талаби» ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил этилди.

Ойлик якунланди. Лекин, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси борасидаги ишлар қизғин давом этаверади.

***Ўз мухбиримиз.***

## МАХСУС КУН

*Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги янги ташаббус бошлади.*

***Ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида «Мактаблар ва шифохоналар куни» ўтказилиши йўлга қўйилди. Шу куни ҳокимлик вакиллари умумтаълим мактаблари, шифохона ҳамда қишлоқ шифокорлик пунктларида бўлиб, ечимини кутаётган муаммолар, камчиликларни ўрганадилар ва уларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.***

***Ўз мухбиримиз.***

## ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

*Истиқлолнинг дастлабки йилларидан маҳалла тизими ривожига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратиб келинмоқда.*

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида сўзлаган маърузасида ҳам маҳалланинг жамиятимиздаги мавқеини янада ошириш, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш хусусида алоҳида тўхталдилар. Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга унинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни беқиёсдир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан «Ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида» шартнома имзолади. Зеро, маҳалланинг гуллаб-яшнаши умумхалқ иши, «Обод маҳалла йили» тадбирларида фаол иштирок этиш эса, барчанинг муқаддас бурчидир.

***Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

## Бугунги сонда:



ТАБИАТ ЛОҚАЙДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ 2



ИСЛОҲОТДАН МАҚСАД 3



ШАЙТОН ВАСВАСАСИ 4

## КАТТА СПОРТГА ЙЎЛ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

кўплигида ҳам эмас. Муҳими — унинг оммавийлигида, бунинг учун зарур бўладиган спорт базасининг аҳволи, керакли анжомларнинг бутлиги ва энг асосийси — машғулотларнинг етук мутахассислар томонидан мунтазам, аниқ мақсадни кўзлаб, юксак савияда олиб борилишида.

Бу масалага вилоятимиз спортининг мамлакатда эгаллаб турган ўрнига қараб баҳо берадиган бўлсак, айтиш мумкинки, бизда спорт машғулотлари нисбатан яхши йўлга қўйилган. Бироқ спортчиларимиз асосан кураш турлари, бокс, академик ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича юқори натижаларга эришаётганлари ҳисобга олинса, спортнинг бошқа оммавий турларини ҳам лозим даражада ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлиги маълум бўлади. Шу нуқтаи назардан ёндошганда, республикада болалар спортини ривожлантиришга қаратилган Президент Фармони ҳамда ҳукумат қарори айни муддао бўлди.

**— Вилоятда Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида шахсан вилоят ҳокими бошчилигидаги гуруҳ бевосита жойларда бўлишганда аҳволни ўрганиб, таҳлил этиб, истиқболли режалар устида ишлаш кераклиги таъкидланди. Бу ҳақда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарида қатор чиқишлар қилинди. Имкони бўлса, гуруҳни ташкил этишдан мақсад, унинг мазмун-моҳияти ҳақида яна бир бор батафсилроқ тўхталсангиз.**

— Биласизми, аслида бунга асосий жавоб Фармон ва қарорда аниқ, лўнда баён этилган. Чунки, Президент Фармони ва ҳукумат қарорида таъкидланганидек, болалар спортини бутун республикада режали ва барқарор ривожлантиришдан асосий мақсад, биринчидан, болаларда спортга чинакам меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан жиддий шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, жисмоний ва маънавий камолот сари дадил интилиш, уларни ҳар хил салбий таъсир ва зарарли оқимлардан муҳофаза қилиш, яхши феълатворли, Ватанга меҳр-муҳаббат ва мамлакат учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялашдир. Иккинчидан, жисмоний тарбиянинг илмий асосланган тизимларини шакллантириш, мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида ва чет элларда болалар спорти бўйича мураббий ва педагог кадрлар тайёрлаш назарда тутилган. Учинчидан, барча аҳоли истиқомат жойларида, жумладан, энг олис ва чекка қишлоқларда ҳам болалар жисмоний тарбияси ва спорт базасини шакллантириш, замонавий болалар спорти мажмуалари тармоғини барпо этиш, уларни янги ускуна ва спорт анжомлари билан таъминлаш режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, спорт иншоотларини барпо этишда палапартишлик, бошбошдоқлик, ўзбошимчалик каби ножўя хатти-ҳаракатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Режага киритиладиган ҳар бир спорт иншооти лойиҳалаш муассасалари томонидан илмий асосда ишлаб чиқилган турли меъморий услубдаги лойиҳалар бўйича махсус қурилиш ташкилотлари томонидан барпо этилади.

Биз ана шулардан келиб чиқиб, Фармон ва қарорнинг ижросини таъминлаш учун ишни нимадан бошлаш керак, деган саволни ўртага қўйдик ва ҳаракатга киришдик. Зеро, бу масаланинг энг муҳим томонидир. Биринчи галдаги вазифа шундан иборатки, болалар спортини ривожлантиришга бевосита алоқадор ташкилотларнинг раҳбарлари жойларга чиқиб, мавжуд спорт иншоотларининг бугунги аҳволини кўздан кечиришлари, 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг мактабдан ташқари, яъни дарсдан бўш вақтларини қандай ўтказаётганликларини атрофлича ўрганишлари зарур. Тўғри, умумтаълим ўрта мактабларида ҳафтасига икки соат жисмоний тарбия дарси ўтилади. Лекин, бу билан болалар ўртасида спортни оммалаштиришга эришиб бўлмайди, албатта. Қолаверса, ушбу дарсларнинг мақсад ва моҳияти бошқа аслида.

Оқсарой қароргоҳида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини қандай тартибда ташкил этиш масаласига бағишлаб ўтказилган мажлисда айнан шу ҳақда жиддий гаплар айтилди. Шахсан Президентимиз ҳар бир вилоят ҳокими тегишли ташкилот раҳбарларини ёнига олиб, беистисно барча аҳоли истиқомат жойларида бўлиши, ҳақиқий аҳвол ва вазиятни чуқур ҳамда атрофлича ўрганиши ва қилинадиган ишларни шунга қараб режалаш кераклигини алоҳида уқтирдилар. Ҳақиқатан ҳам беморни даволашга киришишдан аввал, унинг қандай касалликка чалингани ва бу хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади, яъни аниқ ташхис қўйилади.

Вилоят ҳокими Уммат Маматқулович Мирзақулов раҳбарлигидаги махсус гуруҳ масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошиб, бир ҳафта давомида қишлоқ туманлари марказлари, майда-йирик қишлоқ ва овулларда бўлиб, спорт иншоотларининг ҳолатини кўздан кечирди, спорт тадбирлари қандай ўтказилаётганлиги билан танишди. Шу билан бир вақтда жойлардаги мутасадди раҳбарларга болалар спортини ҳар томонлама ва кенг ривожлантиришнинг муҳим аҳамияти, жамғармани ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш йўриқ ва тартиблари тушунтирилди. Шунингдек, жойларга ташриф жараёнида хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари вакиллари, спорт мутахассислари ва ота-оналар билан суҳбатлашилди, уларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Ҳозир бир ҳафта давомида жойларга чиқиб тўпланган маълумотлар, билдирилган мулоҳаза ва таклифлар ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинмоқда. Якуний хулосалар чиқарилгач, қаерда, қанча ва қандай янги болалар спорти иншоотларини қуриш, жойларда қайси спорт турлари бўйича қанча тўгарак ташкил этиш ва уларга 7-17 ёшдаги болаларни қандай тартибда жалб этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқишга киришилди.

**— Президент Фармонида ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ҳам мураббийлар ва умуман, бу соҳада етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг давр талабига мос мутлақо янги тизимларини яратиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Сиз таъкидлаган махсус дастурда бу масала ҳам назарда тутиладими?**

— Албатта. Бусиз — пировард мақсадга эришиб бўлмайди. Бугунги кунда вилоятда 2799 нафар жисмоний тарбия ходими ишлаб турибди. Шулардан 1533 нафари умумтаълим мактаблари ва 30 нафари олий таълим тизими ўқитувчилари, 176 нафари касб-ҳунар коллежлари муаллимлари, 135 нафари жисмоний тарбия жамоалари йўриқчи-услубиётчилари, 625 нафари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва кўнгилли спорт жамиятлари мураббийларидир.

Эътироф этиш керакки, ҳозир фаолият кўрсатаётган спорт мутахассислари кучи билан болалар спортини Президент Фармони ва ҳукумат қарорида назарда тутилган даражада ривожлантиришга эришиб бўлмайди. Юқорида айтганимиздек, ҳар бир аҳоли истиқомат жойларида янги, замонавий спорт иншоотларини қуриш билан бир вақтда, юксак малакали мутахассис кадрлар ва мураббийлар тайёрлаш тизими яратилади. Ана шунда Оқсарой қароргоҳидаги мажлисда Президентимиз таъкидлаганларидек, спорт мураббийлигига энг фидойи мутахассисларни сафарбар этиш имкониятига эга бўлинади. Ишлаб чиқилажак дастурда бу масалага ҳам алоҳида ўрин берилади, албатта.

Мен сўзимни якунлаб, шуни таъкидламоқчиманки, Тошкент вилоятида бу режаларни амалга оширишга киришилди ва бу ишдан ҳеч ким четда қолмайди.

*«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ

### яна бир жамоат ташкилоти иш бошлади

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг таянч гуруҳлари тузилди. Улар томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жами 21та истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари конференциялари ўтказилди.

11 январь куни бўлиб ўтган вилоят конференциясида Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг ўринбосари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича идоралараро кенгаш аъзоси, Тошкент вилояти бўйича гуруҳ раҳбари Пўлат Бобожоновнинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарори ижросини таъминлаш, шаклланаётган жамоатчилик органининг устувор вазифалари тўғрисида»ги ҳамда Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш вилоят кенгаши раиси Боймурод Улашовнинг Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг тегишли қарорлари ижроси бўйича вилоятда олиб борилган ишлар ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Шу куни Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси ташкил этилиб, аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш чора-тадбирларини амалга ошириш, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини ўтказиш, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлари, жамоатчилик билан иш олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш унинг асосий вазифалари деб белгиланди.

Шунингдек, конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси аъзолари ва назорат-тафтиш комиссияси таркиби тасдиқланди ҳамда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг конференциясига делегатлар сайланди. «Мадад» суғурта агентлиги Тошкент вилояти филиали директори Камолжон Шодиметов Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмасининг раиси этиб сайланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Комиссия мажлиси

*Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича Олий Мажлис комиссиясининг Фуқаролик жамияти тизимларини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича кичик комиссияси мажлиси ўтказилди.*

У "Жамоат жамғармалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Мажлис қатнашчилари таъкидлашича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида кўрсатиб берилган мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқади ҳамда жамоатчилик жамғармалари ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бу тузилмалар ҳуқуқ ва имкониятларини кафолатлашдаги ўрнини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари мажлисда кичик комиссиянинг бошқа тадбирлари билан бир қаторда 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш концепциясини қайта ишлаш масаласи ҳам муҳокама этилди.

*(ЎзА).*

Табобат

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда кўз касалликларини даволашда энг замонавий ва самарали усуллар қўлланилаётгани қувонарлидир.*

## Тиббиётчилар ҳамкорлиги

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда америкалик мутахассислар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Кристалл" маркази турли мураккабликдаги кўз хасталикларини ўз вақтида аниқлаш ва даволашда яхши натижалар бераётир.

Офтальмология соҳасида Марказий Осиёдаги энг йирик ушбу муассаса кўз касалликларини даволовчи, консультатив, ташкилий-услубий марказ саналади. Шифохонадаги болалар, умумий соматика ва томир патологияси, глаукома, катаракта, лазер, пластик жарроҳлик бўлимлари хорижнинг энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланганн ташхис қўйиш, турли даволаш ва жарроҳлик муолажаларининг кўнгилдагидек кечишида муҳим омил бўлаётир.

- Бугунги кунда жаҳонда тиббиёт, хусусан офтальмология соҳасига талай янгиликлар, тадқиқотлар кириб келмоқда,- дейди клиника бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Клара Валиева. - Врачларимиз хорижий ҳамкасблари билан доимий ҳамкорлик ўрнатган. Ўзаро тажриба алмашиш, малака ошириш, мушкул жарроҳлик муолажаларини бажаришда бу жуда қўл келмоқда.

*Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.*

## ДАРДНИНГ ОЛДИНИ ОЛМОҚ УЧУН

*Кунларнинг бир исиб, бир совуши натижасида турли юқумли касалликлар келиб чиқиши табиий. Бундай шароитларда грипп вируси аҳоли ўртасида кенг тарқалишга мойил.*

Шуни ҳисобга олган ҳолда айни кунларда вилоят санитария ва эпидемиология назорати маркази аҳоли ўртасида, айниқса, ўқув-муассасаларида касалликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтирмоқда.

Жумладан, Тошкент туманидаги 7-умумтаълим мактабида ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Унда давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ҳамда соғлиқни сақлаш бўлими шифокорлари касалликнинг юқиш сабаблари, унинг олдини олиш чоралари ҳақида суҳбат ўтказишди.

Бундай тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида уюштирилаяпти.

*Ўз мухбиримиз.*

Истиқлол иншоотлари

## ПАРКЕНТДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ



*Ўтган 2002 йил бошида Паркент туманининг Номданак қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган шифокорлик пункти иш бошлаган эди. Яқинда эса, Бошқизилсой қишлоқ фуқаролар йиғинида яна бир шундай муассаса фойдаланишга топширилди. Бу ўз-ўзидан қарийб 10 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига олиб келди.*



Қишлоқ шифокорлик пунктини бунёд этишда қатор хўжаликлар, айниқса, «Паркент» ширкат хўжалиги бош-қош бўлди. Бу ишларга 60 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Тиббий асбоб-ускуналар олиш учун вилоят ҳокимлиги томонидан 7 миллион сўм ажратилди.

Бу ерда беморлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, ташхис қўйилади. Улар бир йўла муолажа олишларига ҳам имконият яратилган, яъни 75 ўринга мўлжалланган кундузги даволаш бўлими ҳам ташкил этилди.

***СУРАТЛАРДА:** қишлоқ врачлик пунктининг умумий кўриниши ва шифокор қабулидаги дастлабки бемор.*

***Зиёвиддин ХОЛИҚОВ** олган суратлар.*

Қарор ва ижро

*Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишга эътибор кучайиб бормоқда. Шу мақсадда Президент фармонлари, қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарори ҳам шундай муҳим ҳужжатларнинг биридир.*

## ТАБИАТ ЛОҚАЙДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ



Унда экологик вазиятни соғломлаштириш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун қулай шароитлар яратиш, айни вақтда табиий хом ашёлардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни тоза асраш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган эди. Ушбу қарорнинг ижроси вилоятимизда қандай бораяпти? Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининнг ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи Т. Ҳ. Йўлдошев бу хусусда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мазкур қарор ижросини таъминлаш учун вилоят ҳокимлиги томонидан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва махсус қарор қабул қилинди. Ҳозирга келиб ушбу соҳа бўйича белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ичимлик суви чиқадиган манбаларга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисидаги кўрсатмага амал қилиб, вилоятда учта шундай манбалар аниқланди. Булар Чирчиқ, Оҳангарон ва Чимён минтақаларидир. Ҳозиргача уларнинг иккитасига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилди. Чимён минтақаси бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш ишлари тугатилди. Уни «Ўздаверлойиҳа» институти тайёрлаб берди. Бунинг учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий жамғармаси ҳисобидан 2 миллион сўм пул ажратилди.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган бундай ҳудудларда жойлашган корхона ва хўжаликларга бу ерда фаолиятга чек қўйиш ёки қисқартириш бўйича талабномалар берилди ва уларнинг бажарилиши назорат остига олинди. Биргина ўтган йили Чирчиқ дарёси ўзани яқинида жойлашган корхоналарнинг 22 та иншооти бошқа жойга кўчирилди. Шу билан бирга сув муҳофазаси минтақаси чегарасини белгилаш ва унга ўта муҳофаза қилиш минтақаси мақомини бериш юзасидан ҳужжатлар тайёрланиб, тасдиқлаш учун мутасадди ташкилотларга тақдим этилди.

Маиший ва зарарли саноат чиқиндиларини сақлаш ва қайта ишлашни тартибга солиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Вилоят ҳудудий коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси билан бундай майдонларнинг йўкламаси ўтказилди ва уларда таркиб топган ҳолат ўрганилди. Санитар тозалаш соҳаси хусусийлаштирилиб, коммунал хизмат бошқармаси тасарруфидан чиқарилди. Бекобод шаҳрида чиқиндиларни жойлаштириш учун ер майдони ажратилди. Чиқиндихоналарни тартибга солиш ва ободонлаштиришга қаратилган катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Биргина қўмитамиз бунинг учун 2,5 миллион сўм миқдорида маблағ сарфлади. Заҳарли чиқиндилардан ҳисобланган симобли электр лампалари ва приборларни ҳам зарарсизлантириш йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашда биологик усулни қўллаш мақсадида 26 та биофабрикада 22,4 миллионтадан ортиқ олтинкўз, 23,6 миллион бракон, 167 килограммга яқин трихограмма тайёрланди. Улар билан 335 минг гектар қишлоқ хўжалик экинлари майдонига ишлов берилди. Қўмитамиз шу мақсад учун 5,5 миллион сўм маблағ ажратди.

Саноат корхоналари ва автотранспорт воситалари чиқараётган заҳарли моддаларни камайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам давом эттириляпти. Биргина Ўзбекистон металлургия комбинатида зарарли газларни тозалаш иншооти қурилиши учун 250,7 миллион сўм сарфланди. Бошқа қатор корхоналарда ҳам шундай ишлар амалга оширилди.

Автотранспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтириш, табиий ресурслардан фойдаланишнинг мониторинг тизимини ривожлантириш ва уни такомиллаштириш борасида ҳам қатор ишлар қилинди. Чотқол қўриқхонаси фаолиятини яхшилаш учун биргина ўтган йили 16,1 миллион сўм ва бу мақсадлар учун жаҳон қайта қуриш ва ривожлантириш банки томонидан ажратилган 120 минг АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Табиатнинг ҳолатини барқарор сақлаш, унга зарар келтирмасдан, аксинча, асрабавайлаш бундан буён ҳам бунга алоқадор бўлган идораларнинг диққат-эътибор марказида бўлмоғи лозим. Шундагина табиат ва унинг ресурсларини муҳофаза қилиш, у билан бевосита боғлиқ бўлган инсон саломатлигини мустаҳкамлаш асосий мақсади бўлган қарорнинг муваффақиятли бажарилишига эришиш мумкин.

## Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлида

*Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимлари суғориладиган минтақаларда тупроқ унумдорлигини ошириш, алмашлаб экиш, янги ғўза навлари, сув тежайдиган усуллар яратишга қаратилган самарали тадқиқотлар олиб бормоқда.*

Минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш, шамол ҳамда сув эрозияси, ғўза вилти ва бегона ўтларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш борасида ҳам кўпгина ютуқлар қўлга киритилаётир.

Селекционер олимларимиз тола чиқими ва чигити мойлилиги юқори, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навлари яратишга жиддий эътибор қаратаётир. "Термиз-24", "Қашқадарё-1", "Бухоро-7", "Оқдарё-6", "Хоразм-126", "Андижон-35", "С-2" сингари навлар шулар жумласидандир. Ўтган йили мамлакатимиз пахта майдонларининг қарийб қирқ фоизида олимларимиз яратган навлар экилди.

Институт мутахассислари самарали технологияларни қўллаш борасида ҳам сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ерни қўшқаватли ҳайдаш ва тупроқни чуқур юмшатиш усули оддий шудгорлашга нисбатан ҳосилдорликни 2-3 центнерга оширади. Чигит экишнинг мақбул муддатлари ва экишга тайёрлашнинг янги усули эса сарф-харажатни камайтиради, яганалашда қўл меҳнатини енгиллаштиради.

*Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.*

Адиб таваллудининг 100 йиллигига



# ҒАФУР ҒУЛОМ ҚИШЛОҒИМИЗГА КЕЛГАН

Ёз кунларининг бирида Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти лауреати Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асарини ўқиб ўтирардим. Мансур бобом хассасини дўқиллатганича эшикдан кириб келдилар. Мен бир зум китобдан кўзимни узиб, бобомга салом бердим.

— Кўп яша, ўғлим, кўп яша, хўш, қандай китоб ўқияпсан, — дедилар бобом.

— Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» китобини мутолаа қиляпман, бобо.

— Қайси Ғафур Ғуломнинг? Ўзимизнинг Ғафуржонними?

— Ия, бобо, ўзимизнинг Ғафуржонними, деганингиз нимаси? Ахир бу академик шоир Ғафур Ғуломнинг китоби-ку.

Бобом мириқиб кулдилар. Мен эса у кишининг не боисдан бунчалар кулаётганлигига ажабланиб, ҳайрат билан қараб турардим.

— Эй, болам, ўша сен айтаётган академик шоиринг қишлоғимизга келиб, юрадиган ўзимизнинг Ғафуржон бўлади.

— Бундан чиқди, атоқли шоир Ғафур Ғулом бизнинг қишлоққа келган экан-да? — ҳайратландим мен.

— Ҳа, болам, у киши қишлоғимизга келибгина қолмай, ҳатто бир неча ойлаб шу ерда яшаган. Ҳамқишлоғимиз Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев билан Ғафуржон қалин дўст бўлишган. Пўлатхўжа ака ўша кезларда «Сувчи» тахаллуси билан шеърлар ёзарди. Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Элбек билан дўст бўлган. Кавардонга Ғафуржонни Пўлатхўжа ака олиб келган эди.

— Бобо, Пўлатхўжа бува ҳозир бормилар? — яна саволга тутдим бобомни.

Мансур бобом бошини сарак-сарак қилганча: «Эй, болам, Пўлатхўжа акага ўхшаган қанчадан-қанча яхши одамларни баъзи ғаламислар нене туҳмат балосига дучор қилмади, дейсан. 1933 йили уни ҳам қамоққа олдилар. Пўлатхўжа шу кетганича қишлоққа қайтиб келмади. Яқинда аллакимдандир Пўлатхўжани «Гулистон» журналида оқлаб ёзибди, деганини эшитиб беҳад хурсанд бўлдим. Ҳақиқат борлигига иймон келтирдим...»

— Ўғлим, ана шу сен ўқиётган «Шум бола» китобини менга ҳар гал Соҳиба амманг ўқиб берганда, қишлоғимиз кишилари кўз олдимга келади...

Дунёга ҳеч ким устун бўлмас экан. Кўп ўтмай, мен учун меҳрибон бўлган Мансур бобом ҳам оламдан ўтдилар.

Мен ҳар гал Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асари ва унинг асосида ишланган кинофильмни ойнаи жаҳон орқали кўрганимда, болалик кезларимдаги бобом билан бўлган суҳбат хаёлимга келаверади, атоқли адибни ростдан ҳам қишлоғимиз Кавардонда бўлган ва бўлмаганлигини билишга ундайди ва бу борада изланишга чорлайди...

Кавардонлик Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли «Сувчи» тахаллуси билан республикамиз матбуоти саҳифаларида турли мақолалар ва шеърлар эълон қилиб турарди.

1926 йил ёз кунларининг бирида Пўлатхўжа ака «Муштум» журнали таҳририятига боради. У Абдулла Қодирий ўтирган хона эшигини аста тақиллатади. Ичкаридан: «Кираверинг!» деган овоз эшитилади.

— Ассалому алайкум, домла, — дея хонага бошида дўппи, эгнига ола чопон кийган, қоп-қора мўйловли Пўлатхўжа ака кириб келади.

— Ва алайкум ассалом, келсинлар, Сувчи, қадамларига тасанно, — дея Қодирий домла ярим ҳазил ила самимий кутиб олади.

Қодирий домланинг ёнида эса, Пўлатхўжа ака учун нотаниш, ўрта бўйли, қадди-қомати келишган ёш йигит ўтирарди.

Абулла Қодирий бир дақиқали жимликдан сўнг, «Пўлатхўжа, бу йигит ўзимизнинг эндигина ўсиб келаётган шоир укаларимиздан Ғафур Ғулом бўлади» дея таништирадилар. Кейинчалик Пўлатхўжа ака Ғафур Ғулом билан дўст, ака-ука тутунишади.

— Ўша кезларда, — дея эслайди Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғлининг синглиси Умринисо ая, — домла Ғафур Ғулом қаламкаш дўстлари Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор билан тез-тез Кавардонга келиб бизнинг уйда меҳмон бўлишарди. 1929 йилнинг февраль ойида йўлланма билан Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни қошида очилган икки йиллик ўқув курсига ўқишга кирдим.

Бир куни ўқишдан келсам, Пўлатхўжа акам дардга чалиниб, касал бўлиб ётган эканлар. Ғафур Ғулом онамиз Савринисо номидан ҳазил тариқасида шеърий мактуб йўлладилар.

Ёру дўст келди, ҳамон Ғафур уканг бир келмади,
Дард чекиб бўлдинг ёмон,
Ғафур уканг бир келмади,
Сен деган эрдинг укам —
Аҳрор ила бўлди икков,
Бўлмади сен ўйлаган —
Ғафур уканг бир келмади.
Келмаса ҳам бўлсин омон
дўстларингнинг барчаси,
Энг қадрли ҳам жонажон
Ғафур уканг бир келмади,
Ўйлама қилди ҳазар деб,
балким қўли тегмагандир,
Қиш ҳавоси йўл ёмон, Ғафур уканг бир келмади.

Мен шеърни олиб борган кунимнинг эртасигаёқ, домла Ғафур Ғулом «А, ойи, қиш ҳавоси йўл ёмон-а?», — деганча онамиз Савринисо ая олдига кириб келган эди.

Ҳа, устоз Ғафур Ғулом ана шундай оқибатли, самимий, ажойиб инсон бўлган.

*Латифжон МАНСУРОВ.*

---

Sport Sport Sport

*Аввал хабар берганимиздек, мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари вилоят III финал босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган эди. Ушбу мусобақаларнинг якуний натижаларини газетанинг навбатдаги сонида мухлислар эътиборига ҳавола этишни ваъда қилган эдик. Ваъдага вафо қилиш мақсадида натижалар билан қизиқиб, тегишли ташкилотлар билан боғландик. Афсус...*

# МУСОБАҚАЛАР ЎТДИ, НАТИЖАЛАР ЭСА...



Мусобақалар билан шуғулланадиган тегишли ташкилотлар, жумладан, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, халқ таълими бошқармаси мутасаддилари «ҳали маълум бўлмади, бирор соатлардан кейин қўнғироқ қилинг, эртага телефон орқали боғланайлик» деган ваъдалардан нарига ўтмадилар. Охири вилоят «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раисининг ўринбосари Ҳамид Султоновдан «Эртага соат тўққизларда ҳакамлар ҳайъатининг мажлиси бошланади. Ўн-ўн бирларда телефон қилсангиз, бор маълумотни беришга ҳаракат қиламан» деган жавобни олишга муваффақ бўлдик. Бу гапни эшитиб, очиғи ҳайрон бўлдик. Қизиқ, мусобақада кимнинг қайси ўринни эгаллашини у ёки бу спортчи кўрсатган натижа эмас, балки ҳакамлар мажлиси ҳал этадими?.. Хуллас, масъул идоралар билан олиб борган икки кунлик мулоқотлар ҳадеганда натижа бермаётганлигидан ташвишда эдик. Чунки, биз газетхонларга якуний натижаларни етказишга ваъда бериб қўйганмиз, ахир.

*Хуршида Назарова,*

***P.S.*** *Газетамизнинг ушбу сони нашрга тайёрланаётганда, таҳририятга «хушхабар» келди. Бизга гарчи, мусобақанинг якуний натижалари ҳақида тўлиқ бўлмаса-да, айрим маълумотларни етказдилар.*

*Хусусан, Чирчиқ шаҳри шоҳмот, кураш, қўл тўпи (ўғил болалар ўртасида), бадиий гимнастика, волейбол (қиз болалар ўртасида), Олмалиқ шаҳри сузиш, катта теннис, қўл тўпи (қиз болалар ўртасида), Ангрен шаҳри баскетбол, волейбол, стол тенниси, Паркент тумани белбоғли кураш турлари бўйича биринчи ўринни эгаллабди. Мусобақанинг қолган турлари натижаларини яна «маълум» вақт кутишга тўғри келади, шекилли.*

*Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони, назаримизда бундай нуфузли мусобақаларга тайёргарлик жараёнида мутасаддилар унинг ташкилий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор беришлари керакка ўхшайди. Йўқса, натижаларни олишга бунчалик «интиқ» бўлмасдик. Аслида бу кичик «луқмамиз»дан мақсад ҳам шу. Зора, у келгусида сабоқ бўлса...*

---

# ҚИШКИ ТАЪТИЛ БЕСАМАР ЎТМАДИ

*Республика шоҳмот клубида ўқувчиларнинг қишки таътил кунларини унумли ўтказиш мақсадида уюштирилган «Тошкент қиши - 2003» анъанавий турнири интиҳосига етди.*

Турнирда 118 шоҳмотчи иштирок этди. Швейцарча усулда ўтказилган турнир якуни бўйича қибрайлик спорт устаси Акром Тошхўжаев 8 очко жамғариб, фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни 7,5 очко йиққан спорт устаси Константин Малининчев эгаллаган бўлса, 3,4,5 ўринларни спорт усталигига номзодлар Мурод Мамасолиев, Жасур Мажидов ва Александр Касян забт этишди.

Аёллар ўртасида муросасиз кечган беллашувларда Ўзбекистон чемпиони Ирина Еворгян 6 очко билан энг юқори натижага эришди.



Шунингдек, Қибрайда маҳалла ёшлари ўртасида шоҳмот-шашка бўйича туман мусобақаси ўтказилди. Биринчи ўринни шоҳмот бўйича И.Йўлбарисов, шашка бўйича эса, Ё.Холмуродов эгаллашди. Қизлар ўртасида шоҳмот бўйича биринчи ўринни Н.Абдуқодирова, шашка тури бўйича эса, Ф.Азизова қўлга киритишди. Ғолиблар вилоят босқичига йўлланма олишди.

*Ўз мухбиримиз.*

---

# КУЦЕНКО КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚДИ



*Австралиянинг Мельбурн шаҳрида "Катта дубулға" туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт теннис турниридан дастлабкиси - Австралия очиқ чемпионати бошланди.*

Ушбу мусобақада юртимиз спорти шарафини ҳимоя қилаётган Вадим Куценко биринчи босқичда Хорватия вакили Иван Любичекка қарши кортга чиқди. Кураш кескин ва муросасиз бўлди. Дастлабки икки сетда 6:3, 6:4 ҳисобида рақибидан устун келган В.Куценко кейингиларида 1:6, 4:6 ҳисобида енгилди. Бироқ ўз маҳорати ва иродасини намойиш этган ҳамюртимиз ҳал қилувчи бешинчи сетда И.Любичекка ғалаба сари имконият қолдирмади - 6:3.

*Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,*
*ЎзА мухбири.*

---

# ЎСМИРЛАР ТУРНИРИ

*Пойтахтдаги Сидней Жексон номидаги болалар ва ўсмирлар бокс мактабида ёшларнинг қишки таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида бокс бўйича анъанавий «Қишки таътиллар» халқаро турнири ўтказилди.*

Мусобақада мамлакатимиз ёшлари билан бирга Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон республикаларидан келган иқтидорли чарм қўлқоп усталари ҳам ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Мусобақа ўн тўрт вазн тоифасида ўтказилиб, ғолиблар совғалар билан тақдирланди.

*«Туркистон-пресс».*

---

# ХИРАЯМА АСАРЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

Кўргазма залларида

*Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида япон мусаввири Икус Хираяманинг «Буюк ипак йўли» туркумидаги асарлари кўргазмаси давом этмоқда.*

Унинг Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Арабистон мамлакатлари бўйлаб саёҳатномаси асосида дунёга келган «Ипак йўлининг чексиз осмони», «Ой нури», «Буюк дарвозалар», «Шарқ ранглари» каби манзара асарларидан ташқари қирққа яқин бадиий, етук ишланган тасвирлари ҳамда илк марта намойиш этилаётган портрет асарлари ҳам ўрин олган. Санъатшунослар ва мухлислар эътиборини тортаётган «Суриялик аёл», «Султон Маҳмуд масжидидаги қиз», «Кашмирлик аёл» сингари асарлар ана шулар жумласидандир.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ,*
*санъатшунос.*

# ТАНИШ МАНЗАРАЛАР ВА ЧЕҲРАЛАР

*Шу кунларда Чирчиқ шаҳар ўлкашунослик музейига ташриф буюраётган меҳнаткашлар сони сезиларли даражада кўпайди.*

Бу ерда маҳаллий мўйқалам усталарининг асарлари кўргазмаси очилди. Чирчиқда тарбияланиб, вояга етган рассомлар В. Елизаров, Г. Ким, С. Лидяева, В. Голубов ва Р. Кимлар томонидан Чирчиқ ҳамда чирчиқликлар ҳақида яратилган асарлар шаҳарликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига катта ҳисса қўшган машҳур кишилар портретлари, корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнлари, шаҳар табиати кўринишлари акс этган бу асарлар, айниқса, ёшларда катта таассурот қолдирмоқда.

*Ўз мухбиримиз.*

---

Ҳар тўғрида



# НАПОЛЕОННИНГ ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЗИЛИ

Наполеон Бонапарт бундан деярли 200 йил илгари уюштирилган давлат лотереяси бўйича пул ютуғи тўланган эмас. Император 1804 йилда янги намунадаги беш франкли тангани муомалага киритган эди. Бироқ, у французларга тамомила маъқул бўлмади. Сабаби, ўлчови ва вазни катта эди. Шундан кейин Бонапартнинг кўрсатмаси бўйича шундай тангаларнинг бирига беш миллион франкли ютуқ чеки қўйилди. Чек ушбу катта миқдордаги пулни Франциянинг давлат банкидан олиш ҳуқуқини берди. Бу янгилик жамоатчиликка маълум бўлгач, чиқарилган барча беш франкли тангалар жуда тез тарқалиб кетди. Кишилар беш миллионли чекни жон-жаҳдлари билан қидиришга киришдилар. Бироқ, омад ҳеч кимга кулиб боқмади. Вақт ўтиши билан, табиий равишда, бу Наполеоннинг ҳазили эмасмикан, деган хулосага ҳам келинди. Мутахассислар эса, «императорга ишониш керак» дея таъкидламоқдалар. Боз устига Франция ҳукумати ҳам чекли танга чиқарилганлигини расман тасдиқлади ва узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган фоизсиз беш миллион франк тўлашга кафолат берди.

Бу тангани ҳозирги кунда ҳам қидирмоқдалар. Айримлар, у Франция сарҳадларидан ташқарига чиқиб кетган ёки бошқа бирорта давлатда ётибди, деб ҳисобламоқдалар.

# НАФАҚАХЎР ЮТУҚНИ БАҲАМ КЎРДИ

Одат бўйича лотереядан миллионлаб ютуқ олган бахтлилар уни овоза қилмасликни маъқул кўрадилар. 86 ёшли австралиялик нафақахўр Жим Гринхеллга омад кулиб боққанда эса, маҳаллий газетада эълон босиб чиқарди. Унда шундай дейилган: «Жим Гринхелл ва унинг оиласи ўз ютуғини Эденхоупнинг ҳамма аҳолиси билан байрам қилишни истайди».

Эденхоупда эса, 500 нафар фуқаро яшар экан. Уларнинг ҳаммаси зиёфатга таклиф қилинди. Зиёфат тонг отгунча давом этди. Ҳамма нафақахўр каби ниҳоятда хурсанд бўлди. Жим Гринхелл эса, лотереядан 7 миллион доллар ютган эди.

---

# СКАНВОРД



*Тузувчи: Акрамжон ХЎЖАМОВ.*

---

Суд залидан

# ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг очиқ мажлисида Сайдаҳмад Сайдумаров билан Файзулло Ортиқовлар содир этган жиноий иш кўрилиб, уларнинг ҳар иккалалари ўн тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

Айбдорларга нисбатан бунчалик қаттиқ жазо чораси қўлланилишининг сабаби нимада? Икки «дўст» қандай жиноят содир этишди? Қандай интилишлар уларни қора курсига олиб келди?

Аслида Сайдаҳмад ҳам, Файзулло ҳам Бекобод шаҳрида тинчгина касб-кор билан шуғулланишар, шайтон «васвасаси»га учишмаганда, ҳозир ҳам дўстлари даврасида бўлишар, оилаларига панох бўлиб, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишни давом эттириб юришарди. Лекин, бирйўла «бир нимали» бўлиб қолиш васвасаси уларни эндиликда бадном қилди.

Роппа-роса бир йил бурун Сайдаҳмад билан Файзулло қўшни Тожикистон Республикасидан яширинча гиёҳвандлик моддаларини олувчи харидорлар топиш ва сотиш йўли билан мўмайгина даромад олиш режасини тузишди. Шу ниятларини Тожикистоннинг Нов туманида яшовчи Абдуҳамид Турдибековга ошкор этишди. Ўзаро келишувга кўра бир килограмм героинни Абдуҳамид «Рустам» исмли бир ошнаси билан олиб келиб берадиган, Сайдаҳмад билан Файзулло харидор топиб, савдони пишитадиган бўлишди. Ҳаммаси хамирдан қил суғураётгандек енгил кўчди. Харидор ҳам топила қолди.

Ўзаро келишилган кун Бекобод шаҳридаги «Олтин водий» чойхонасида героинни москвалик харидорга сотиш мўлжалланди. Ишнинг осон кўчаётанидан хурсанд шоввозлар йўл-йўлакай кабобхўрлик қилиб, юзта-юзта отиб ҳам олишди.

Лекин, охирги дақиқаларда мўмай даромад ва роҳату фароғат ҳақидаги орзулари саробга айланди. Ҳамиша огоҳ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг кўрган тезкор чоралари оқибатида Сайдаҳмад билан Файзулло қўлга тушишди. Улардан жами 706,2 грамм гиёҳвандлик моддаси олинди. Ҳукмни эса, биласиз.

Ҳа, жиноят жазосиз қолмайди.

*Ю.ЖУМАНИЁЗОВ.*

Янгийўл шаҳридаги 8-ўрта мактаб томонидан 1985 йилда Ғозиева Азиза Худойбергановна номига берилган аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Телефонлар:*
*Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48*
*Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.*

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Д-49. Адади 10003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50. 1 2 3 4 5 6